O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
NAVOIY VILOYATI
TOMDI TUMANI
HOKIMINING

Q A R O R I

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

Р Е Ш Е Н И Е
ХОКИМА
ТАМДЫНСКОГО РАЙОНА
НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ

Янги Томди к. **№ Қ – 49** **« 25 » 02. 2019 йил**

Туманда 2019 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3699-сон қарори *(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.05.2018 й., 07/18/3699/1184-сон)* ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 25 апрелда 2452-сон билан рўйхатдан ўтган “Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пункларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низомнинг ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашнинг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) 6-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туманда 2019 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналари 2019 йил 1 февралдан 2019 йил 30 ноябрга қадар техник кўрикдан ўтказилсин.

2. Тумандаги мулкчилик шаклидан қатъий назар, қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш иш режаси 1-иловага, қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг

NAVOIY VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
6/688
27.02.2019

асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш бўйича туман комиссияси таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси Навоий вилояти Томди туман бўлими Техника ҳолати ва агротехник тадбирларни назорат қилиш шўъбаси катта инспектори (А.Уринов)га:

қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникалари, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги иш режани юридик ва жисмоний шахсларга етказиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 3699-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси бошлиғининг 2018 йил 2 октябрдаги "Техника ҳолати ва агротехник тадбирларни назорат қилиш бошқармаси тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги 25-сон буйруғига мувофиқ техникаларни техник кўрикдан ўтказилганлиги учун йиғим ундириш;

техникани қайта кўрикдан ўтказиш учун мулкдордан йиғим ундирилмаслик топширилсин.

4. Туман ҳокимининг ёрдамчиси (Қулдошев) ва туман "Тамды шаруагері" газетаси таҳририяти (Абдисаматов)ларга мазкур қарорни расмий эълон қилинишини ҳамда туман ҳокимлигининг веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласинлар.

5. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2018 йил 19 январдаги "Томди туманидаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида"ги Қ-39-сонли қарори ("Тамды шаруагері" газетаси, 25.01.2018 й, 2-сон (6938)) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари Р.Қунақбаев ва Қ.Қаржабов зиммаларига юклансин.

7. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Туман ҳокими **Қ.Алдабергенов**

Туман ҳокимининг
2019 йил “ 25 ” февралдаги
Қ-49-сонли қарорига
1-илова

Тумандаги мулкчилик шаклидан қатъий назар, қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш ИШ РЕЖАСИ

№	Корхона, ташкилот номи ва жисмоний шахсларнинг Ф.И.Ш.	Техник кўрикдан ўтказиш манзили	Техник кўрикдан ўтказиш санаси
1	Бекчаев У.	Зарафшон шаҳри	26.02.2019 й
2	Хожиев И.	Зарафшон шаҳри	28.02.2019 й
3	“Ақтау Пром-Сервис” хусусий корхонаси	Зарафшон шаҳри	4.03.2019 й
4	“Восход” боғдорчилик жамияти	Зарафшон шаҳри	7.03.2019 й
5	Муродов И.	Зарафшон шаҳри	11.03.2019 й
6	Томди Давлат ўрмон хўжалиги	Томди тумани “Томдибулоқ” ОФЙ	14.03.2019 й
7	Зарафшон Ободонлаштириш бошқармаси	Зарафшон шаҳри	18.03.2019 й
8	“Сувоқава” ДУК Томди туман филиали	Томди тумани “Томдибулоқ” ОФЙ	20.03.2019 й
9	Амонов У.	Зарафшон шаҳри	25.03.2019 й
10	Томди туман Ободонлаштириш бошқармаси	Томди тумани	28.03.2019 й
11	“Шохруд” хусусий корхонаси	Зарафшон шаҳри	1.04.2019 й
12	“Нурли Диёр Парранда” МЧЖ	Зарафшон шаҳри	4.04.2019 й
13	“Тоза ҳудуд” ДУК Томди туман бўлими	Томди тумани “Томдибулоқ” ОФЙ	8.04.2019 й
14	Турсунов О.	Зарафшон шаҳри	11.04.2019 й
15	“Зарафшон Овози” МЧЖ	Зарафшон шаҳри	12.04.2019 й
16	“Томди Файз” МЧЖ	Зарафшон шаҳри	15.04.2019 й
17	Томди туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси	Томди тумани “Ақтов” ОФЙ	18.04.2019 й
18	“Сарбон” МЧЖ	Зарафшон шаҳри	22.04.2019 й
19	“Марварид доналари” МЧЖ	Зарафшон шаҳри	26.04.2019 й
20	Туқтамуродов С.	Зарафшон шаҳри	29.04.2019 й
21	Томди Агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежи	Томди тумани Янги Томди қўрғони	30.04.2019 й
22	Абдуллаев Н.	Зарафшон шаҳри	3.05.2019 й
23	“Шохи Амерхон-Транс сервис”МЧЖ	Зарафшон шаҳри	6.05.2019 й
24	“Ўзспекстрой Монтаж” МЧЖ	Зарафшон шаҳри	10.05.2019.й
25	Айдаров Р.Р.	Зарафшон шаҳри	13.05.2019 й
26	“Тош Нур Инвест” хусусий	Зарафшон шаҳри	14.05.2019 й

	корхонаси		
27	Шанкитбаев С.М.	Томди тумани “Аяққудуқ” ОФЙ	17.05.2019 й
28	Саидов Ш.Б.	Зарафшон шаҳри	20.05.2019 й
29	НКМК ЗҚБ ДК	Зарафшон шаҳри	21.05.2019 й
30	“Ишан Бобо Зафар” фермер хўжалиги	Томди тумани “Аяққудуқ” ОФЙ	27.05.2019 й
31	Жабборов М.А.	Томди тумани “Аяққудуқ” ОФЙ	29.05.2019 й
32	Хўжаев Л.С.	Зарафшон шаҳри	31.05.2019 й
33	“Зарафшон Бунёдкор Экспорт” ДУК	Зарафшон шаҳри	3.06.2019 й
34	НКМК МҚБ ДК	Зарафшон шаҳри	6.06.2019 й
35	“Амирбек Зарафшон” хусусий корхонаси	Зарафшон шаҳри	10.06.2019 й
36	“Қизилқум” ГҚЭ	Зарафшон шаҳри Мурунтоғ қурғони	13.06.2019 й

Ижрочи: Инспекциянинг Томди туман бўлими Техника ҳолати ва агротехник тадбирларни назорат қилиш шўъбаси катта инспектори_____ А.О.Уринов

Туман ҳокимининг
2019 йил “ 25 ” февралдаги
Қ-49-сонли қарорига
2-илова

Туман ҳудудидаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш бўйича туман комиссияси

Т А Р К И Б И

1. А.Уринов	-Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги устидан назорат қилиш инспекцияси Навоий вилояти Томди тумани Техника ҳолати ва агротехник тадбирларни назорат қилиш шўъбаси катта инспектори, комиссия раиси
2. Ғ.Қўлдошев	-туман ИИБ ЙХҲГ катта инспектори
3. М.Жунисов	-туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғининг чорвачилик бўйича ўринбосари, комиссия аъзоси
4. Д.Туев	-туман Йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси бош механиги, комиссия аъзоси
5. Н.Нисанбаев	-туман Ободонлаштириш бошқармаси бош муҳандиси, комиссия аъзоси
6. М.Музафов	-туман Давлат ўрмон хўжалиги механиги, комиссия аъзоси

Ижрочи: Инспекциянинг Томди туман бўлими Техника ҳолати ва агротехник тадбирларни назорат қилиш шўъбаси катта инспектори_____ А.О.Уринов